*Ватан ва миллат фидойилари*

# БУЮК ИСТЕЪДОД

***Президентимиз Фармони билан истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги арафасида мамлакатимиз фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ва марҳум бўлиб кетган фан ва санъат арбобларидан бир гуруҳи «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.***

***Улар орасида барчамиз учун мўътабар, буюк олим ва фозил инсон академик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий ҳам бор эди.***

***Биз Қори акани севардик, ардоқлардик, бошимиз узра кўтариб юрардик. Бунақа инсонлар дунёга бир келади, чунки у ишлаб чарчамас, тафаккур-фикри ҳамиша уйғоқ, янгиликка интилувчи ижодкор, ўзбекнинг ҳақиқий ўғлони эди.***

Унинг ёшларга берган оқилона, оталарча маслаҳатлари, ўгитлари ҳеч ёдимиздан чиқмайди. «Илм – бу, ҳаёт чироғи, китоб – маслаҳатгўйингиз, ўқисангиз дилингиз чароғон бўлур, зеҳнингиз очилур, ақл-идрокингиз пешланур. Илм-фан мақтанчоқликни ёқтирмайди, китоб йиғиш, уни жавонларга тахлаб қўйишда ҳеч қандай маъно йўқ. Илмли, маърифатли бўлишга астойдил бел боғлаган киши ҳеч қачон кам бўлмас. Олим бўлдим, катта илмий унвонларга эгаман, деб мақтаниб юриш – жаҳолатнинг бир кўринишидир...». Бу – Қори Ниёзийнинг ёш олимларга берган ўгитлари, панд-насиҳатларидир.



Суратда: академик Қори НИЁЗИЙ бир гуруҳ санъат ва маданият арбоблари даврасида (1970 йил).
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Қори Ниёзийнинг ҳаёт йўли хилма-хил ва мураккаб, ўзининг «Ҳаёт мактаби» китобида кўрган-кечирганларини-ю азоб-қийинчиликларини холисона ёзиб қолдирган отахон мактаб-техникум, тузем мактаби, банкда бланка тўлдирувчи, судда таржимон бўлиб ишлашдан то физика-математика фанлари доктори, профессор, академик, Ал-Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, хуллас, икромли буюк олим бўлиб етишди. Чидам, қунт, тинмай ўқиш, меҳнат, камтарлик, одамохунлик билан шундай тенгсиз аллома даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон қадимдан ўзининг буюк фозил, комил инсонлари билан дунёга машҳурдир. Унинг бағрида не-не улуғлар камол топмади, дейсиз. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа олиму фузалоларнинг жаҳон фани тарихига ва маърифат дунёсига абадул-абад ёзилиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз улар билан фахрланамиз, қайга борсак бошимизни баланд кўтариб, биз Амир Темур наслиданмиз, биз Ибн Сино, Мирзо Улуғбек авлодиданмиз, бизнинг буюк Навоий бобомиз бор, деб баралла айта оламиз.

Қори Ниёзий ўзининг илмий-тадқиқотларида, асарларида ана шу ўлмас меросимиз тарихи, бобокалонларимиз қолдирган илм-маърифат дурдоналарини чуқур ўрганиб, ана шу алломалар ҳақида асарлар битди. Олимнинг шундай машҳур асарларидан бири «Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби» китобидир. Бу асар дастлаб собиқ иттифоқ фанлар Академияси нашриётида рус тилида «Астрономическая школа Улугбека» деган ном билан нашр этилганди, Китоб кенг жамоатчилик ўртасида катта шуҳрат ва эътибор топди. Шу ноёб асар учун олим давлат мукофотига сазовор бўлди.

Аллома ўша кезлари «Ўзбекистон овози» газетасида ташкил этилган маънавият, аҳлоқ ва одоб кенгашининг жамоатчилик асосидаги раиси эди. Шуниси муҳимки, ана шу кенгашни тузиш ҳақида маслаҳат берган ҳам Қори аканинг ўзи бўлган. Шу сабаб у газета таҳририятига тез-тез келиб турар, ўзи учун ажратиб берилган хонада, шу газетанинг ходимидек ишлаб ўтирарди. Республикамиздаги маълум ва машҳур олимлар, илмий ходимларни газетага жалб этишда, миллий одоб-анъаналаримиз, бой маънавиятимиз ҳақида мақолалар ёзиш, муаллифлар танлашда кенгаш раисининг саъй-ҳаракати, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги беқиёс эди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, Қори Ниёзий бир куни, ўша машҳур китобини лутфан тақдим этдилар. Шунда мен китобни варақлаб туриб:

– Қори ака, нега шундай ноёб китобни ўзбек забонида чиқармайсиз, – деб қолдим.

– Чиқармоқчи бўлгандим, лекин...

У ёғини айтмадилар.

«Ўзбекистон» нашриётида ўша кезлари Файзулла Юнусов деган ажойиб бир инсон директор бўлиб ишларди.

– Файзулла ака, менинг ёнимда ҳурматли академигимиз Қори Ниёзий домла ўтирибдилар. Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби ҳақида китоблари рус тилида босилиб чиқибди, шу ўзбек тилида нашр этилса, жуда зўр иш бўларди, – дедим қўнғироқ қилиб.

– Уни ким таржима қилади, жуда мураккаб асар-ку, – деди Файзулла ака.

– Мен олимганоширнинг фикрини айтмоқчи бўлиб турган эдим, Қори ака:

– Керак бўлса, ўзим таржима қилиб бераман, – деб қолдилар.

Шундан кейин уч-тўрт ой ичида алломанинг «Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби» китоби ўзбек тилида ҳам босилиб чиқди.

Қори Ниёзийнинг бу ноёб асари Улуғбекнинг илмий-маданий ва маърифий меросини ўрганишда бетакрор манба, буюк мунажжимни оламга яна ҳам кенгроқ, чуқурроқ таништирган ажойиб китобидир. У асосан беш бобдан иборат: Биринчи бобда Улуғбек Мирзонинг Самарқанд дорулсалтанатида подшоҳлик қилган даврларидаги ижтимоий-сиёсий ва маърифий муҳит ҳақида тўхталган. Иккинчи бобда мунажжимлик мактаби – расадхонасининг бунёд этилиши, юлдузлар ҳаракатини ўрганиш бўйича илмий мактабнинг шаклланиши ва камолоти ҳақида. Учинчи боб – Улуғбек кашфиётининг энг асосий қисми бўлган «йиллар ҳисоби жадвалининг ишлаб чиқилиши»га бағишланган. Тўртинчи бобда Мирзо Улуғбекнинг ёвузларча ўлдирилиши, унинг сабаблари ва шу адолатсизликлар билан боғлиқ тафсилотлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Хуллас, алломанинг «Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби» асари ўша даврнинг ҳаёти, ижтимоий муҳити ҳамда Улуғбекнинг жаҳон фани тараққиётига қўшган тенгсиз буюк хизматларини илмий жиҳатдан яққол кўрсатиб ва асослаб берган ўлмас рисоладир.

Қори Ниёзийнинг касби-кори математик. Ўз касбининг ҳақиқий отахони, жонкуяри. Умри давомида республикамиз олий ўқув юртларида, илмий-текшириш институтида математика кафедраларини бошқарди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг биринчи президенти ҳам шу олийжаноб инсон эди.

Қори ака олий ва элементар математика бўйича тенгсиз янги тадқиқотлар муаллифи, ўзбек математика терминологиясининг асосчиси ҳамдир. Унинг тўрт жилдлик «Математика таҳлилининг асосий курси» бир неча йиллар давомида олий ўқув юртларида асосий дарслик сифатида ўқитилди, ўрганилди.

Агар сиз отахон устозга математика фани ҳақида сўз очсангиз алломанинг қулфи очилиб кетиб, бу илмнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида мароқ билан сўзлаб, ёш авлоднинг зеҳнли, ақлли бўлиб камол топишида риёзат фанининг аҳамияти хусусида ибратли насиҳатлар қилишдан зерикмасди ҳеч.

«Математиканинг энг қимматбаҳо хусусияти шундаки, у кишининг мантиқий муҳокама қобилиятини ўстира боради. Математиканинг жони – тафаккурда, мантиқий муҳокамададур. Ундаги ҳақиқатларни қатъий кетма-кет мантиқий муҳокама билангина ошкор этиш мумкин», – деб ёзади олим ўз эсдаликларида.

Ҳақиқат кўзи билан қараганимизда, Ватанни дунёга танитадиган кишилар унинг буюк олимларидир. Қадимда ҳам шундай эди, ҳозир ҳам. Қори Ниёзийнинг мўътабар номи республикамизда ҳам, чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Аллома Ҳиндистон, Япония, Италия, Франция, Польша, Болгария, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда бўлган конференциялар, йиғилишлар, турли учрашувлар, симпозиумларда Ўзбекистонимизнинг муносиб вакили сифатида қатнашган, маърузалар қилган, ўз билимдонлиги, нотиқлиги билан ҳурмат-эътибор қозонган. У жаҳон астрономия жамиятининг аъзоси, Фан тарихи жаҳон академиясининг мухбир аъзоси эди.

Унинг уй хазинасида сақланиб қолган ҳужжатлар, турли мамлакатлардан олим номига келган хатлар, ёзишмалар, газета, журналлар, фотосуратларини кўриб алломанинг улуғлигига, жаҳонга таниқлигига қойил қоласиз.

Қори Ниёзий тенгсиз, комил математик бўлиш билан бирга, фаннинг барча соҳаларидан бохабар, зукко фикрли, тафаккури чуқур олими замон сифатида элга танилганди. Суҳбати ширин ва мароқли, сўзларида мантиқ кучли, сермаъно эди. Агар сиз қайси мавзуда гап бошласангиз, барчасига тўла, қониқарли жавоб олар эдингиз. Баъзан бизга: «агар суҳбатдошингиз нодон бўлса, яхшиси, китоб мутолаа айланг» деб қўярдилар ҳазиллашиб.

Республикамизда машҳур бўлган «Ўн уч қалдирғоч» мактабини тузиб, уларни камолга етказган ҳам алломанинг ўзидир.

Ўз Ватанининг содиқ фарзанди, ўзбекнинг ҳақиқий донишманд ўғлони Қори Ниёзийнинг «Ҳаёт мактаби» китобини ўқиб чиқсангиз, бутун бир дорулфунунни тамомлагандек бўласиз. Унинг ўз эл-юрти, киндик қони тўкилган Ўзбекистон диёрига бўлган меҳр-муҳаббатининг чеки йўқ эди.

«Ватан! Қандай азиз, улуғвор, муқаддассен. Ҳаётимнинг боиси, қувватимнинг манбаи, ижодимнинг илҳомисен. Жонажон, меҳрибон Онамсен. Кўзимнинг қорасисен. Нуридийдамсен»...

Ушбу меҳрли сатрлар «Ҳаёт мактаби» китобининг сўнггида битилган алломанинг юрак ўтларидир...

Мана шу эсдалик китоблари босилиб чиққанда унинг бир нусхасини эҳтиром-ҳурмат билан тақдим этганларини эслайман. Китобга битилган дастхатда бундай деб ёзилган: «Ушбу китобимни Сизга беҳад икром ва эътиқод билан тақдим этурман, уни жавонингизда сақлаб қуюрсиз, гоҳо-гоҳо назар ташлаганингизда, каминани ёд этурсиз.

**Қори НИЁЗИЙ,**
**11 апрель 1966".**

Бу мен учун ноёб эсдалик. Баъзан бирор мақола ёки эсдаликлар ёзмоқчи бўлсам «Устоз билан бир маслаҳатлашиб олай», деб ўша муборак дастхат ёзилган китобни қўлга олганимда, Қори аканинг кулишлари, донишманд сўзлари, шитоб билан юришларини энтикиб эслайман.

Илоҳо, руҳи-равонингиз шод бўлсин, Оллоҳ даргоҳида қабул айласин сизни, Қори ака!

**Мақсуд ҚОРИЕВ.**

*Акс-садо*

# «САВОБ, КИБР ВА РИЁ ХУСУСИДА»

***Таҳририятимиз олим, адиб ва журналист Абдулҳамид Ҳабибуллаевнинг юқорида таъкидланган мақоласини газетамизда эълон қилабошлаган дастлабки кунлардан бошлаб, мухлисларимиздан узлуксиз хатлар кела бошлади. Айрим газетхонлар эса тўғридан-тўғри бизга қўнғироқ қилишиб ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.***

***Сабаби муаллифнинг талқинларида мамлакатимиз миқёсида ислом динининг ўрни, унинг атрофидаги айрим салбий кўринишлар қандай бўлса, шундайлигича баён этилган. Изтироб ва куюнчаклик билан ёзилган мақола, айнан шу жиҳатлари билан ҳам газетхонларга маъқул бўлган бўлса ажаб эмас!***

***Денов туманидан бизга хат йўллаган А. Турсунов: «Жамоа хўжалигимизда бир тоифа эшонлар яшашади. Улар ўзларига тўқ, бироқ ҳар йили рўза ойида муридларини уйма-уй юргизиб, одамлардан фитр рўза пулини йиғдириб оладилар. Ахир юзлаб оилалардан йиғиб олинган бундай эҳсонлардан ўзига тўқ, бир оила манфаат кўришига нима дейсиз. Қишлоғимизда муҳтож оилалар ҳам кўп. Нега, уларга бундай эҳсонлар берилмайди», – деган.***

***Баъзи бир хатларда янада аянчли ҳолатлар баён этилган. Хусусан, Р. Қўзибоев, А. Дадамирзаев, Б. Раҳимовлар йўллашган хатларда: «Минглаб қишлоқларимиз бор. Уларда ўзини эшон, пир деб кўрсатувчилар озмунчами, улар текин эҳсон ҳисобига яшашга ўрганиб қолганлар. Бундай ҳолатларга чек қўйиш керак», дейилади.***

***Бизга мактуб йўллаганларнинг бир қисми «Савоб, кибр ва риё хусусида» сарлавҳали мақолада кўрсатилган масалалар айни муддао эканлигини таъкидлаганлар. Айниқса, хожилар ҳақидаги, амру маърифчилар ва имом-хатибларнинг, отинойиларнинг ҳатти-ҳаракатлари борасидаги фикр ва мулоҳазаларга тўла қўшилишларини ёзганлар. Биз қуйида ушбу мактублардан бирини, сиз газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.***

## «АДОЛАТ»НИНГ АДОЛАТЛИ СЎЗИ

Динларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир. Ҳамма динларда ҳам ватанни севиш ва уни ёвуз кучлардан ҳимоялаш, ота-онани ва устозларни, олиму фозилларни қадрлаш ва улуғлаш, илмпарварлик, одоб ва ахлоқли бўлишлик каби ғоялар сингдирилган. Шу боис ҳам мамлакатимиз Президенти катта-кичик минбарлардан туриб: «Оллоҳ қалбимизда», дея хитоб қиладилар.

Бугун мамлакатимизда 15 га яқин диний уюшмалар мавжуд ва улар фаолият кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, шўро замонида булар иккитагина эди. Мавжуд масжид ва мадрасаларимиз сони 89 тадан 2 минггача ошди. Диний ўқув юртлари ҳам 2 тадан 13 тага кўпайди. Она шаҳримиз Тошкентда Ислом университети фаолият кўрсатиб турибди. Муқаддас ҳайитларимизнинг биринчи куни умумхалқ байрами сифатида байрам қилинмоқда.

Ҳа, виждон эркинлигининг чегараси ва қамрови кенгайди. Истиқлол йилларининг ўзида 50 мингга яқин юртдошларимиз ҳаж зиёратига бориб келишдек бахтга муяссар бўлдилар. Лекин шу билан бирга диний йўналишда ҳам айрим ҳолатларда одамлар энсасини қотирадиган, ғашига тегадиган кўринишлар пайдо бўлаётир. Динни ниқоб қилиб олган айрим кимсалар турфа қилиқлар кўрсатаётирлар. Диний суиистеъмолчиликнинг янги-янги кўринишлари юзага келаётир. Айниқса, дунёвий амалдорлар билан рақобатлашмоқчи бўлаётган дин пешволарининг тутган ўрнидан одамлар нафратлана бошладилар.

Айнан, худди шундай ҳолатларни бадиий талқинда, ўта зийраклик билан қаламга туширган олим, адиб ва журналист Абдулҳамид Ҳабибуллаевнинг «Савоб, кибр ва риё хусусида» деб номланган асарини «Адолат» газетаси журъат ва дадиллик билан «Маънавият сабоқлари»рукнида эълон қилгани бизни ниҳоятда қувонтирди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, мавзунинг ўта нозиклигини теранлик ва донолик билан мушоҳадалаб, ўқувчига мослаб ёзишлик осон иш эмас, албатта. Бироқ, муаллиф ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни яхши билиши ва шу билан бирга ҳаж зиёратига бориб келгани ҳам мавзуни ёритишда унга ўнг келган.

Биз, давомли қилиб берилган асарни ўқир эканмиз, савоб, кибр ва риё, таъна ва таъманинг мазмун-моҳиятини яна чуқурроқ англашга муваффақ бўлдик. Айрим ҳолатларда «Албатта, ҳажга бориб келишлик баробарида ёлғон гапиришлик, шартми», «Савоб ўрнига гуноҳ орттираётганлар кўпайиб бормоқда», каби жумлалар янада одамни сергаклантириб қўяди.

Масжид ва мадрасалар сони кўпайиб бораётгани билан фахрланамиз. Бироқ шу билан бирга улар атрофида эҳсонга кўз тикиб турган янги қатлам пайдо бўлаётганидан ҳам ташвишга тушамиз. Бундай ҳолатлар ҳам мақолада тўлиқ ўз аксини топган. Чунончи, агар ҳар бир жомеъ масжидда 5 тадан одам тўпланадиган бўлса, демакки, бу мамлакатимиздаги 2 мингта жомеъ масжид атрофига ўн мингдан ортиқ ишсизлар тўпланганлигини кўрсатади. Булар фақат хайр-эҳсонга кўз тикиб туришадилар, шу ҳисобдан яшашга мослашадилар. Булар ҳам мақолада ўз аксини топган.

«Савоб, кибр ва риё хусусида»ги асарнинг мавзулари мактаб, коллеж ва академик лицейлар, олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчи-профессорлар орасида, хонадонларда, маҳаллаларда қизғин баҳсларга сабабчи бўлди.

Биз, ушбу асарни «Адолат» газетаси муҳарририяти 2002 йилда эълон қилиб, кўп ва хўп савобли ишга даҳлдор бўлди, деб айтаоламиз. Бу газетанинг энг катта ютуғи ҳамдир. Ушбу анъанани «Адолат» газетаси янги – 2003 йилда ҳам давом эттиришига умид қилиб қоламиз.

**Назар ТЎРАЕВ, Бахтиёр НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари.**
**Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**
**Расул РАҲМОНОВ,**
**Республика Оқсоқоллар кенгаши раисининг муовини, «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири ўринбосари.**
**Мели НОРМАТОВ,**
**Тошкент санъат институтининг доценти, адиб ва журналист.**
**Саидмурод ТИЛЛАХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**
**Мингбой ОМОНОВ,**
**тиббиёт фанлари номзоди.**
**Тоштемир ТУРДИЕВ,**
**филология фанлари номзоди.**
**Солижон БОЙМАТОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди.**
**Ўрол ЎТАЕВ,**
**журналист.**

*14 январь – Ватан ҳимоячилари куни*



## ЎЗБЕКИСТОН ПОСБОНЛАРИ

*(Марш)*

**Сизга салом, энг олий калом,**
**Ўзбекистон мард посбонлари!**
**Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,**
**Эй баҳодир, паҳлавонлари!**

**Орзуингиз – Ватан тинчлиги,**
**Шарафлидир касбу корингиз.**
**Сафларингиз ихчам, зичлиги**
**Қудратингиз, куч-мадорингиз.**

**Нақорат:**
**Ўз измида хушёр ҳамиша,**
**Эзгу ишга сафарбар шерлар!**
**Еру-осмон, тоғ-довон оша**
**Марду майдон, музаффар эрлар!**

**Боболарнинг руҳи мададкор,**
**Машъал бўлсин йўлларингизда!**
**Эл байроғи ғолиб, сервиқор**
**Ҳилпирасин қўлларингизда!**

**Ўзбекистон, гуллаган диёр**
**Осмони ой, беғубор бўлсин!**
**Жарангласин тарона, алёр,**
**Посбонлари доим бор бўлсин!**

**Искандар РАҲМОН.**

*Бир жиноят изидан*

# ОЛОВДА ЁНМАГАН ГУНОҲ

***Шовот тумани «Бўстон» ширкат хўжалигининг 9-бўлими ҳудудида, қум барханлари орасида шахси номаълум аёл кишининг куйиб адо бўлаёзган жасади топилди. Мурданинг 80 фоизи куйган, ундан қолганини эса ёввойи ҳайвонлар ғажиб ташлаганди. Жасад билан ёнган саксовулнинг шохларидан аллақачон янги барглар ўсиб чиқа бошлаган, жиноят изини қумлар яшириб, ёмғирлар ювиб улгурган эди.***

***Ёниб кул бўлаёзган аёлнинг ёши 20-25 лар орасида деб тахмин этилди. Унинг шахси ким, кимнинг жигаргўшаси, қай элнинг фарзанди, нима гуноҳ қилган, кимларга хўрланган?... Бу саволларга жавоб топиш мушкул эди. Чунки жиноятчини излашдан олдин жабрланувчининг шахсини аниқлаш лозим бўлади. Бу эса жиноятчини топишдан ҳам қийинроқ кечди. Унинг шахсидан кейинчалик ҳамма воқеани батафсил гапириб берган жиноятчи ҳам бехабар экан...***

Назар элликка киргунча икки маротаба панжара ортидаги «ҳаёт таъмини» татиб кўрди. Озодликка чиққач иродаси етгунча ўзини сипо тутишга ҳаракат қилди. Ҳар дам зерикканида ўғлининг машинасини олиб киракашлик қиларди. Ҳарна чой-чақа пули, уйда ўтирса биров берармиди...

Жазирама кунларнинг бирида эрта саҳардан иш бошлаган Назар Қўшкўпир тумани марказидаги касалхона ёнига келганида юпқагина кийинган, ориққина қиз қўл кўтарди.

– Оға, мени Шовот божхона масканига олиб бориб қўясизми?

Ҳайдовчи розилигини билдиргач, у орқа ўриндиққа ўтирди. Машинани яқин йўлдан ҳайдаган Назар кўзгу орқали қизни кузата бошлади. Ўзи ёшгина бўлсада, анчагина синиққан кўринарди. Уни гапга солди.

– Синглим оббориб қўйганимдан сўнг кира ҳақига қанча берасиз?

– Ёнимда бир сўм ҳам пулим йўқ, нима қилсангиз ҳам ихтиёрингиз. – деди қиз. Бу сўзларни у шунчалик хотиржам айтдики, гўё унга ҳамма нарса барибирдек. Назар ўсмоқчилаб ўтирмади, дангал ўз шартини айтиб қўяқолди. Йўлда қулайроқ жой топилса у билан «шакаргуфторлик» қилишини айтди. Қиз бу гапдан сапчиб ҳам тушмади, қизариб ҳам ўтирмади. Ўша, ўша хотиржамлиги билан розилик билдириб қўяқолди.

Унга ҳамма нарса барибир эди... Мана бир йилдирки ёт элларда сарсон-саргардон. Ҳолинг нима кечаяпти дейдиган бирон киши йўқ. Қорни бир бурда нонга тўйиб, тонгни озодликда қарши олса бўлгани. Имкон бўлиб қолса орасида «ўз бизнес»иниям қилиб юбораверади. Бўлмаса бошқа йўллар билан кун кўрар. Ишқилиб, у Тошҳовуз вилоят полициясига йўлиқмаса бўлгани...

Машина Шовот туман ҳудудига кириб бораверишдаги қумлоқ жойга бурилди. Анчагина ичкарига кириб, одамлардан холироқ жойга етгач машинани тўхтатди-да Назар орқа ўриндиққа, қизнинг ёнига ўтди. Назарнинг нафақат ёши, балки гавдаси ҳам қизникига нисбатан уч-тўрт баробар катта эди. У неварасидаккина, эндигина йигирмадан ошган, бундан ташқари сўлиб ранги сарғайган ожизани ечинтира бошлади.

Қиз эса... ҳамон ўша-ўша, унга ҳамма нарса барибир... Унда бу ишга нисбатан на хоҳиш, на эътибор, на бир истак, на бир нафрат истаги сезиларди. У фақат жим ва ўйчан эди. Назар кўйлагининг тугмаларини ечиб, бағрига босгандагина қиздан «қиқир»лаган товуш чиқди. Бироқ, бу кулги ҳам, ҳаяжон ҳам эмасди. Бу жон талвасаси эди. Унинг кўкариб кетганини кўриб, Назар қўрқиб кетди, аёлни қўйиб юборди. Ўзига келавермагач машинадан пастга тушириб ётқизмоқчи бўлганида қизнинг жисми аллақачон совий бошлаганини ҳис этди.

Назар довдираб қолди. У бундай бўлишини, боши балоларга қолишини ўйламаган эди.

Шунинг учун ҳам қаттиқ қўрқди. Шундоқ ҳам икки марта қамалиб чиққан. Яна у ёқларга қайтгиси йўқ. Назар гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқиб, қизнинг мурдасини юлғун панасига судраб олиб борди. Ечиб улгурган юпқаси ва оёқ кийимларини ҳам унинг устига ташлаб жуфтакни ростламоқчи бўлганди, машинаси панд берди. Ғилдираги қумга ботиб қолди. Асфальт йўлга чиқиб от аравада келаётган йўловчидан ёрдам сўради. Аравакашга «қумга адашиб кириб қолдим», деб тушунтирди. Машинасини шу арава ёрдамида катта йўлга олиб чиққанидан кейин ҳам кетаолмади. Машина балонининг дами чиқиб кетди. Ҳамма нарса аксига тортаверганидан асабийлашди. Шу ердаги болаларга илтимос қилиб, улар ёрдамида эҳтиёт ғилдирагини қўйиб олди-ю, бироқ энди ҳамма нарсани шу аҳволда ташлаб кетишга иккиланди. Юлғун орасида аёл кишининг жасади қолаяпти. Уни худди шу ердан машинасини судратиб чиққанига қанча одам гувоҳ бўлди. Мурдани чўпонми, ё бошқа биров кўриб қолса, албатта уни эслашади ва топишади.

Назар орқага қайтди. Ҳозиргина зўрға судраб чиқартирган машинасининг рулини ҳеч иккиланмай яна қумга бурди. Аёл жасадини яна бироз томоша қилди. Кейин унинг устига бир боклашка бензин қуйди-да, гугурт чақди. Лекин мурданинг ёниб бўлишини кутиб ўтирмади. Машинасини ҳайдади-ю, жўнади.

Номаълум аёл жасадининг шахсини аниқлаш, жиноятчини топиш анча мушкул эди. Чунки юқорида айтганимиздек, жиноятчининг изини ёмғир ювиб кетган, мурда чириб бўлган, атрофда сўраб-суриштириш учун ҳеч зоғ йўқ. Шунда машинанинг қумга ботган вақтда қолдирган изи эътиборни тортди. Қум изни босиб кетгани туфайли машинанинг қандай русумли эканини аниқлаш қийин бўлсада, фақатгина шу из жиноятнинг очилишига ёрдам берди.

Жиноятчи топилди, ушланди. Бироқ жасаднинг шахсини аниқлаш ундан-да қийин кечди. Невараси тенги қиз билан дам олишни истак қилган Назар қучоғида жон берган аёлнинг жиноятчи эканлигини, исмини ҳам билмас экан. У тергов даврида бу ҳолатга «қиз кўнгилхушлик қилишга рухсат берганидан кейин хаёлим фақат қулайроқ жой топишда бўлди, номини Барно дедими, Роҳат дедими, билмадим, қулоғимга кирмади. Фақат эрга тегиб, ажрашганман деганини яхши эслайман», деб изоҳ берди. Ҳайриятки, у яна бир нарсани, қизнинг туркманча шевани аралаштириб гапиришини эслай олди ва шундан масала анча ойдинлашди. Бу аёл 2001 йилдан бери гиёҳванд воситаларни қонунсиз сақлаш, олиб юриш ва сурункали истеъмол қилиш жиноятини содир қилганлиги учун Тошҳовуз вилоят полицияси департаменти қидирувида эканлиги, жавобгарликдан қочиб деярли бир йилдан бери Хоразм вилояти ҳудудида яширинча кун кўриб юрганлиги маълум бўлди.

Аянчли ва аламли ҳолат: жасад жиноят қилиб жавобгарликдан қочган, гуноҳларга ботган, қанчадан-қанча йигитларни «оқ ажал» билан заҳарлаган аёл кишиники эди. Унинг мурдасини бежаноза чириб битиши-ю, ёввойи ҳайвонлар томонидан суякларини ҳар томонга ташиб кетилиши ҳар қандай қалб соҳибининг ҳам хўрлигини келтирарди. Балки қилмиш-қидирмиш деганлари шудир. Балки бу аёлнинг қилган гуноҳлари эвазига шу дунёнинг ўзидаёқ берилган жазодир. Ким билади, балки бу шундай нопок йўлларда ҳалиям адашиб юрган, тавбасига таянмаётган аёллар учун бир сабоқдир.

Экспертиза хулосаларига кўра Б.нинг ўлимига ҳеч қандай зўравонлик сабаб бўлмагани, унинг бевақт ўлимида Назарнинг (исми ўзгартирилган) айби йўқлиги исботланди. Аммо ўликни таҳқирлагани учун у жиноий жавобгарликка тортилди. Қаранг, «оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади» деган нақл бор. Лекин ҳар доим ҳам унақа бўлавермас экан. Назар икки маротаба судланиб ҳам қонун-қоидани, инсоф ва диёнатни қалбига жо қилмабди. Агар у шайтоний қўрқув билан эмас, ақлу мардлик билан иш қилганида, ўз ажали билан бу дунёни тарк этган аёлнинг жасадини яширмасдан тўппа-тўғри тегишли идораларга олиб келганида эди, ҳозирги жавобгарликдангина эмас, балки олдинги қилган гуноҳларидан ҳам халос бўлган бўлармиди?!

**Абдулла НУРМЕТОВ,**
**Хоразм вилояти прокуратураси криминалист прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.**
**Муқаддас ИСМОИЛОВА,**
**журналист.**

«Адолат» меҳмони

# «ОҚ ТУЛПОРИМ БОР ЭДИ...»

*Хушовоз хонанда Тошпўлат Маткаримов билан суҳбат*

***Тошпўлат Маткаримов Оҳангароннинг Телов қишлоғида туғилди. У икки қиздан кейинги учинчи фарзанд. Қаршибой ака ва Лазокат аялар ўғлининг боши тошдан бўлишини истаб, «Тошпўлат» деб исм қўйишган экан.***

***Тошпўлатнинг қўшиқ айтишга қизиқиши жуда эрта шаклланган, у мактаб чоғлариданоқ қўшиқ айтарди. Ундаги санъатга бўлган қизиқишни сезган мусиқа ўқитувчиси Баҳром ака Сатторов унинг Тошкент шаҳридаги мусиқа билим юртида, ундан кейин эса Маданият институтида таҳсил олишига сабабчи бўлди.***



Хонанданинг айтишича, биринчи ижро этган қўшиғи Олимжон Бўриев шеъри билан айтиладиган «Юр бирга кезайлик боғларни» қўшиғи бўлган. Ҳозиргача яратган қўшиқлари юздан ошади. Тошпўлат қишлоқда яшайди. У табиатни севади, отда сайр қилишни яхши кўради. «Оҳангарон ўлани», «Оқ тулпорим бор эди» қўшиқлари уни элга янада яхшироқ танитди.

**– Тошпўлат ака, айни пайтда қандай янги қўшиқлар устида ишлаяпсиз?**

– Кейинги пайтда бастакор дўстим Алишер Расулов билан ҳамкорликда бир қўшиқ яратдик. Мен Алишер билан бирга ўқиганман, Мана, институтни битирганимизга ҳам 23 йил бўлибди. Пўлат Мўмин шеъри билан айтиладиган ҳазил оҳангида «Қизлар нима ўйлайдилар, бармоқларин ўйнайдилар», деб айтилади. Худо хоҳласа, мухлисларимизга маъқул бўлади, деган умиддаман.

**– «Оқ тулпорим бор эди» қўшиғингизни мухлислар жуда яхши қарши олишди, унинг клипи ҳам бор. Шу қўшиқнинг яратилиши тарихи қандай бўлган?**

– Бу қўшиқни мен илк бор китобдан ўқидим, матнини. У достон кўринишида эди. Раҳматли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг асари бўлган. Шу китобдан ўқиб, ниҳоятда таъсирланганман. Достоннинг номи «Оқ тулпор» деб номланган. Ҳақиқатан ҳам достон жуда ҳаётий, таъсирли чиққан. Чунки, ўз ҳаётимда от билан боғлиқ жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Шунинг учун таъсирланиб, қўшиқ яратиш фикри туғилди, достонни ичидан керакли жойларини териб, сўзларни топиб қўшиқ қилдим. Ёмон чиқмади, назаримда. Бу қўшиқни энг биринчи мухлисларимга «Туркистон» саройида бўлиб ўтган яккахон концертимда ижро этганман. Кейинчалик клипини ҳам тайёрладим. Уни учта жойда олишга тўғри келди. Отчопарда, қишлоқда ва тоғда. Ўзимга ҳам ёқади.

**– Ўтган йил мучал бўйича от йили эди. Отни биз инсонга вафодор жонивор сифатида қадрлаймиз, сизга отнинг қайси жиҳатлари ёқади?**

– Биласизми, қишлоқда ўсганим учунми от миниб катта бўлганман. Отни жуда ҳам яхши кўраман. Отни минганингиздан кейин жуда бошқача бўлиб кетасиз. Бизнинг ота-боболаримиз отни эъзозлашган. Улар жуда кариганларида ҳам от минишган. Шунданми Тўқсонбой, Юзбой деган исмлар туғилган. Отнинг инсоннинг соғлигига ҳам фойдаси катта деб биламан. Техника пайдо бўлгандан кейин отга эътибор бироз камайди. Лекин отнинг хосияти бошқача-да! Алпомишлар, Барчинойлар от миниб катта бўлишган.

**– Ўзингизга қайси қўшиқларингиз ёқади?**

– Жуда кўп қўшиқларимни айтишим мумкин. Масалан, Абдусаид Кўчимов шеъри билан айтиладиган «Яйра, Туркистон» қўшиғи Анор Назаров мусиқасида, ўзимга жуда ёқади, унинг яратилганига 8 йил бўлди, ёки бўлмасам «Оҳангарон ўлани» Барот Исроил шеъри:

**Ўлан айтсанг жўшиб айт,**
**Сўзни сўзга эшиб айт,**
**Телов, Тошсой, Оҳангарон –**
**Сулувларни қўшиб айт.**

Унга «айнамов» деб халқ усулида куйлаганмиз. Яна «Уруш бўлмасин», «Армон» деган қўшиғим. «Бу ерларда нетаман энди, қишлоғимга кетаман энди» деб тугар эди. Ундан кейин «Санамжон» ва бошқа қўшиқларимни айтиб ўтишим мумкин.

**– Тошпўлат ака, бўш пайтларингизда нима билан шуғулланасиз, айтиш жоиз бўлса «хобби»нгиз нима?**

– Мен бирор нарса қуришни жуда яхши кўраман. Эртанги кунга ишонч бўлса керакда бу. Кейин боғни яхши кўраман, масалан, ўзингиз яратган боғингизда айланиб, ёки бироз ишлаб юрсангиз бунинг гашти бошқача-да. Буни бошидан ўтказган одам билади. Чорвани яхши кўраман. Ва албатта, отни яхши кўраман. Уйимизда иккита от бор. Бири оқ, бири қизил. Бўш пайтларимда шу отларда сайр қилиб юришни хуш кўраман.

**– Газетхонларга тилакларингиз...**

Кириб келган 2003 йил – янги йил омадли келсин, ҳар бир инсонга. Яхши ниятлари ушалсин. Юртимиз тинч бўлсин, тўйлар кўп бўлсин, яхши кунларда кўришиш насиб этаверсин.

**Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ**
**суҳбатлашди.**

## ҚАХ-ҚАХА

Бир аёл қўшнисига нолияпти:
– Менинг эрим шу пайтгача пивохонада ўтирган бўлса керак, келмаяпти, ўлгур!
Иккинчиси:
– Эрингиз менинг эримдан ўрнак олса бўларкан.
– Нима, у киши ичмайдиларми?
– Бе, ичганда қандоқ. Уни ҳар доим вақтида кўтариб опкелишади.

* * *

– Шармандалик, – деди хуноби чиқиб харидор. – Мен сўраган бирорта нарса дўконингизда йўғ-а?
– Ёлғон, – эътироз билдирди сотувчи. – Сиз атайлаб бизда йўқ нарса сўраяпсиз.

* * *

Бир овчи дўстлари даврасида ўзининг зўр мерганлигини айтиб, мақтанибди. Шу пайт ўрдак учиб ўтибди:
– Мана, қаранглар, ҳозир нима бўлади?
Овчи отипти, ўрдак учиб кетаверибди.
– О, дўстларим, сизлар чинакам мўъжизани кўриб турибсизлар, – ўлик ўрдак учиб кетяпти.

* * *

Психиатр қабулида:
– Сизда «мен итман», деган фикр қачон пайдо бўлган?
– Кучукчалик вақтимда.

* * *

Хотин эрига норози оҳангда деди:
– Бу қанақаси ахир, ҳеч қаерга олиб бормайсиз. На кинога, на концертга.
– Бўлмаган гапни қўй, хотин. Ўтган йили эсингдан чиқдими... оёғинг синиб қолганда касалхонага олиб боргандим...

* * *

«Тез ёрдам» машинаси кир бўлиб кетган одамни касалхонага келтирди.
Операциядан олдин яхшилаб чўмилтиришди.
– Ҳайрият-э. Операциянинг бундай енгил бўлишини тасаввур ҳам қилмагандим, – деди у хурсанд бўлиб.

* * *

– Азизим! Янги йил байрамига сенга нима совға қилай?
– Билмасам...
– Унда ўйлаб кўриш учун сенга яна бир йил муҳлат бераман!

* * *

– Эртага ҳеч нарса режалаштирманг, банкет бўлади.
– Банкет бугун-ку!
– Шунинг учун ҳам эртага ҳар нарса режалаштирманг!..

* * *

Ижод уйида бир адиб иккинчисидан сўради:
– Ҳозир нима қиляпсан?
– Хотиралар ёзяпман.
– Дуруст экан. Мендан уч юз сўм қарз олган жойинга келганинг йўқми ҳали?

* * *

Сотувчининг қўпол муомаласидан ранжиган харидор деди:
– Айтган гапларингизни қайтариб олиб, кечирим сўранг.
– Бу ерда ҳеч нарса қайтариб олинмайди, жуда бўлмаса алмаштириб берилади.



Юртимизга файз-барака олиб келган Янги 2003 йил шодиёналарини болажонлар январь ойининг дастлабки ўн кунлигида зўр қувонч билан ўтказдилар.



Суратчи Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган ушбу суратларда Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги Арча байрами акс этган.

Жиноят ва жазо

# ДАЙДИНИНГ ФОЖЕАСИ

***Пойтахтлик Рустам Олимжоновга тақдир эзгуликни эмас, қабоҳат туйғуларини рўбарў этди. Унинг қилмиши ножўя, босган қадами разолат бўлди. Шу боисданми, ҳар ҳолда, рўзғорида қут-барака бўлмади. Ўзини ўтгаю чўққа уриб бўлса-да, бирни топса ҳам, уни асло икки қилолмади, елга совурди. Бу эса унинг қалбида худбинлик иллатини шакллантирди.***

Шу тарзда кунни тунга улаб, ўзига хос бир ҳолатда яшаб юрган Рустам Олимжонов бирор касбнинг этагидан тутмади, жиноят йўли билан яшайверди. Натижада у 1991 ва 1996 йилларда икки бор судланиб, жазога тортилди. Шундан кейин ҳам одамларга ўхшаб ҳаётини бир изга сололмади. Аммо турмушини йўлга қўйиб олган кимсаларга ҳасад қилишини қўймади. Кунларнинг бирида у қўшнисидан қарз олди. Лекин уни узишга келганда чорасиз қолди. Негаки қарзга олган пулини ишлатиб тугатган эди-да! Қўшниси бўлса «олганингни қайтар» деб қистайверди. Ноилож қолган Олимжонов ўйлаб-ўйлаб «Энди қочиб қолмоқ керак» деган қарорга келди-ю, уйидан бош олиб чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб унинг дайдилик ҳаёти бошланди. Кунлари ҳуд-беҳуд изғиб юрар, тунлари эса дуч келган жойда тунарди. Табиийки, унга худди ўзига ўхшаш ҳамтовоқлар ҳам топилди. Айниқса, 32 ёшли дайди Неля Муҳамедова билан танишганидан кейин ичкиликка берилиб кетди. Икковлон ичиб маст бўлиб олгач бўлмағур қилиқлар қилар, ҳатто кўча-кўйларда ҳам тунаб қолаверарди...

Ўша мудҳиш кунда ҳам икковлон дастлаб Чўпон-Ота бекати ёнида жойлашган кафеда юз граммдан ароқ ва бир шишадан пиво ичишди. Сўнг соат 21 ларда яна учрашишга келишиб, хайрлашишди. Аммо Олимжонов Анна Зяблова деган танишининг уйига бориб, бир оз мизғиб олмоқчи бўлдию, ухлаб қолди. Натижада Неля билан келишилган пайтда учрашолмади. Шунга қарамай барибир уни излаб топди. Неля Чўпон-Ота бекатида изғиб юрган экан.

Икковлон худди шу жойдаги дўконга кириб тағин спиртли ичимлик ичиб бироз қизишиб олишди. Бироздан сўнг эса Нелянинг кайфи ошиб қолди. Бу эса Олимжоновга асқотди. У Муҳамедовани Молия институтига қарашли 3-сонли ётоқхона биноси олдидаги спорт майдончасига олиб кириб, ундан висол сўради. Бироқ Неля рози бўлмади. Шунда Рустам унга бироз пул беришни, кейин эса дўкондан яна ароқ олиб қуйиб беришни ваъда қилди. Лекин Неля тағин рози бўлмади. Аммо шаҳвоний ҳирси ҳакалак отиб турган «ошиқ» унинг розилигига қараб ўтирмади. Зўрлик ишлатиб мақсадига етишди.

Табиийки, маст Неля унинг бу қилмишидан дарғазаб бўлиб, оғзига келган гапни айтиб, қарғади. Лекин «ошиқ» унга парво ҳам қилмади. Ҳирси унинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйган эди. Шу боисдан у тағин «маъшуқа»га ташланди. Мақсади яна бир бор васлига етишиш эди. Лекин бу пайтда сал бўлса-да, кайфи тарқаб ўзига келган Неля астойдил қаршилик кўрсатди. Сочларидан тортиб, бор овози билан додлади, кишиларни ёрдамга чақирди.

Олимжонов эса уни додламасликка даъват қилди. Неля янада бадтарроқ бақириб, кишиларни ёрдамга чақиравердди. Бу «ошиқ»ни дарғазаб қилди. У чўнтагида ўзи билан олиб юрган лезвия билан «маъшуқа»нинг юзини бир неча бор тилиб ташлади. «Ожиза»нинг бутун вужуди қонга беланди. Бироқ шундан кейин ҳам қутурган «ошиқ»нинг ғазаби сўнмади. Аксинча бадтар авж олди. У шу яқин атрофдан бир тошни олиб, жабрланувчининг бошига қараб зарб билан ураверди, ураверди. Оқибатда у шу жойнинг ўзида вафот этди... Қотил эса тун қаърига кириб, кўздан ғойиб бўлди...

Эртасига эрталаб спорт майдончасида ётган аёл кишининг мурдасини кўрган одамлар бу ҳақда милицияга хабар қилишди. Шу яқин атрофдаги кишилар милицияга марҳуманинг шахсини аниқлашда ёрдам бердилар. Ҳатто унинг кечаги тунда Рустам Олимжонов билан дўконга кириб бирга ароқ ичганларини ҳам айтиб беришди.

Суд тиббий экспертизаси марҳума Муҳамедова Неля Ҳамидовнанинг ўлимини бош мия суягининг очиқ майдаланиб синиши оқибатида унинг қобиғига қон қуйилиши натижасида содир бўлган, деб топди.

Табиийки, аниқланган маълумотларга кўра Рустам Олимжонов қўлга олинди ва тергов қилинди. Тергов жараёнида у қилмишларига иқрор бўлди.

Суд Рустам Олимжоновга нисбатан жазо тайинлашда ўз айбига иқрорлиги ва пушаймонлигини, муқаддам жиноят содир этиб, жазони ўтаб чиқса-да, ундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, маст ҳолда яна ўта оғир жиноятга қўл урганлигини ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлади. Қотил 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Энди у бу жазо муддатини қаттиқ тартибли колонияда ўташга мажбур.

Биз эса бўлиб ўтган мазкур воқеага нуқта қўйишдан аввал халқимизнинг «Саёқ юрган таёқ ер» деган нақлини бир эслаб қўйишни лозим топамиз. Негаки, марҳума ҳам, унинг қотили ҳам ўз уйини ташлаб дайдиликни ихтиёр этган ношудлар эди. Уларнинг оиласи ҳам, бола-чақаси ҳам, ҳатто бирор мақсади ҳам йўқ эди. Кўча-кўйларда текинхўрларча кун кўриб, паразитларча ҳаёт кечирарди. Бундай қабиҳ турмушнинг эса оқибати ҳамиша вой бўлади. Бунга биз аччиқ қисматини баён этган икки нафар дайдининг фожиаси мисол бўлади. Шундай эмасми, азиз муштарийлар?

**Ҳабибулла МИРЗАРАҲИМОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси,**
**Мурод КАЛОНХОНОВ,**
**«Адолат» мухбири.**

## ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ....

• Бир доно кишидан сўрашди: Одамларни бир-бирларига қандай хислат боғлаб туради? Доно айтдики: Одамлар орасида шундай бир дил занжири борки, уни оқибат, меҳр, муҳаббат дейдилар.

* * *

• Одам зотига ярашмайдиган иллатнинг энг биринчиси – манманликдир. Унинг оқибати – завол билан тугайди.

Яна бири таъмагирлик. Бу иллат инсон зотини охири хору-зорликка олиб боради.

## ҚУТЛАЙМИЗ



**Оиламизнинг шодлиги, қувончи бўлмиш ЖАВОҲИР!**
**Таваллуд кунинг муборак бўлсин!**

*Ҳамиша бугунгидай зеҳнли, қувноқ, одобли бўлиб юришингни тилаймиз. Келажакда комил йигит, ҳамда ота-онангга, яқинларингга меҳр-оқибатли инсон бўлиб улғайгин.*

**Дадажонинг НУРИДДИН,**
**ойижонинг САИДА.**

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси раиси ўринбосари Рустам Азимовга қизи **ДИЛБАР**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради ва Оллоҳдан сабр-қаноат тилайди.

# ТОМОШАДАГИ ТОМОША

*(Ҳажвия)*

Ўйлаб кўрсам хотинбойни тўйдан кейин бирор мартаям театр, кинога олиб бормабман. (Аслида, тўйгача ваъдалар қуюқ бўлган).

Яқинда иккинчи азамат туғилади. «Ке, «роддом»га яхши кайфият билан борсин» – дея уни театрга олиб бордим.

Ҳашаматли театр олдида одам чумолидай. Улар бу ерга театрнинг янги биносини кўришга келганми ё спектаклгами билиб бўлмайди. «Роса маза қиларканмиз-да», ўзимча ўйладим. Одамлар бир нарсани билмаса бунча кўп келмайди. Лекин негадир бола-бақраларини кўтариб, етаклаб олган ўн-ўн бешта аёлни кўргач, кўнглим бир нимани сезгандай бўлди. Бу ёш болалар чироқ ўчгач қоронғида тўполон қилишмасмикан-а? Ота-оналари бор-ку, бир иложини қилишар-да. Шуни ташвиши қолдими менга.

Зал тўлиб томоша бошланди. Томоша билан бирга антиқа «томоша» ҳам. Ҳали саҳнага артистлар чиқиб улгурмасдан олдинги қаторда ўтирган 4-5 ёшли боланинг бақириб айтган овози янгради:

– Ая сийгим келяпти. Сий-йа-ман...

Боланинг чинқироқ овозини эшитган одамларнинг «пиқ-пиқ» кулгуси эшитилди.

– Ҳозир, ҳозир, жувонмарг. Боя оборганимда нимага учирмовдинг?

– Аяси ўрнига ёнида ўтирган норғул йигит ўшқирди (афтидан дадаси бўлса керак).

– Айб ўзингдда. Энди чидайсан. Овозингни ўчириб ўтир! Яна бир марта қичқирсанг, боя кираётганда эшикнинг олдида турган мўйловли мелисага топшириб келаман.

Аммо, орадан 5-10 минут ўтгач, заҳри қотил танг қилганига чидай олмаган гўдакнинг пешоби ўтирғичлар оралаб пастга қараб жилдиради.

Спектакль бошланди. Унга қўшилиб ёш гўдакларнинг иссиқдан беҳаловат бўлишлари ҳам. Худди саҳархез битта хўроз тонгда қичқиришини бошлагач, атроф-теваракдаги хўрозлар ҳам унга жўр-овоз бўлганидек, залнинг беш-олти жойидан баробар турли хил оҳангдаги хонишлар бошланди.

Гўдакларини овутолмаган айрим инсофли аёллар қарғаб-қарғаб бирин-кетин зални тарк эта бошлашди. Уларнинг ўтирган одамлар олдидан ўтишлари қанчалик безовталиккка сабаб бўлганлигини айтиб ўтирмай. Уларнинг бири юриб кетаётиб эрига шундай шанғиллади:

– Мен сизга айтдим шу «арзанда»ни уйда қолдириб келайлик деб. Айтганим бўлдими? Роса боплаб кўрсатди. Жуда мазза қилиб дам олдим. Раҳмат!

Залдаги гўдакларнинг шовқин-суронидан саҳнада роль ижро этаётган актёрлар ҳам 4-5 марта сўзларидан адашиб кетишди. Шу пайтда у бечоралargaям ичим ачиб кетди. Уларгаям осон эмас экан.

Хуллас калом, театрдан асабимиз бузилган ҳолда қайтдик. Саҳнада нима бўлди, нима қўйди, ўлай агар зиғирча нарса эсимда қолган бўлса. Залга кириб-чиқишлар ҳам спектакль тугагунча давом этди. Худди Олой бозори.

Эртасига телевидение ва радиода куни-кеча биз кўриб «ҳузур» қилган спектакль томошабинларга беҳад манзур бўлаётганлиги, муваффақиятли намойиш этилаётганлиги ҳақида бир-икки қулоч келадиган мақолалар чоп этилибди. Томошадаги «томошалар» ҳақида мухбирлар ҳеч нарса дейишмабди. «Одамлар маданий ҳордиқ чиқариб, дам олиб қайтишмоқда» – деб ёзилибди бир мақолада. Яхши ният. Кошки эди шундай бўлган бўлса?!

Мана орадан анча вақт ўтди. Қулоқ тинч. Хотинбой театрнинг «Т» ҳарфиниям тилга олмайди.

**Ўткир САИДОВ.**

Менинг нафсим балодир...

# ҲАҚ ҚОШИДА ГУНОҲКОР

***ёки шармандаликни бўйнига олган фирибгар хусусида***

***...Ёлғончи (фирибгар) ўз гапига гўллик билан қулоқ солувчини топса, уларга ёлғонни чинга ўтказса, муродига етган бўлади. Ёлғончи – ҳақ қошида гуноҳкор, халқ олдида шарманда. Бундай наҳсга ботган одам қутлуғ уйдан нари бўлғай.***
***Алишер НАВОИЙ.***

Юртимизда тадбиркорларга кенг йўл очиб берилмоқда. Чори ака ҳам тадбиркорликка ҳавас қилиб ўғиллари Ҳошим билан Кенжага маслаҳат солди.

– Хўп, десаларинг, банкдан кредит олиб, биз ҳам тадбиркорликнинг бошини тутсак.

Фарзандларга отанинг маслаҳати маъқул бўлди. Ака-ука банкдан кредит олишга маслаҳат сўраш учун Ромитан туман марказидаги тадбиркорлар палатасига йўл олишди.

Унда-бунда кимнидир кутиб турган одамлар орасида танишлари Шерматни учратиб қолишди. Муддаоларини айтишган эди, у хурсанд бўлиб кетди.

– Мушкулингизни мен осон қиламан. Ҳув анави йигитни кўраяпсизларми, – деди «воситачи» нарироқда турган Улуғбекни кўрсатиб. – Кредит олишнинг «йўли»ни сув қилиб ичиб юборган бу йигит, – танишини мақтади Шермат. – Истасаларинг ёрдам беришим мумкин.

Ака-ука рози бўлишди.

– Кредит олиб беришга кўмаклашишим мумкин. Фақат кредитни «доля»си борлигини биласизларми? Яъни хамир учидан патир.

Ҳайрон ўтирган Ҳошим ва Кенжа Тўраевлар Улуғбекнинг «сабоғи»ни жонқулоқлари билан тинглашарди. Чунки у шу даражада гапга тўн кийдириб қўярдики, ака-ука Тўраевларнинг ишонмай иложлари йўқ эди.

– Майли, биз розимиз.

– Демак, уч ярим миллион кредит учун юз минг сўм берасизлар. Кўрибсизки, олам гулистон. Тушунган одамнинг садағаси кетсанг, арзийди. Яшанг, ака, «Мана, пул топишнинг менбоп усули. Қандингни ур, Улуғбек», хаёлан ўзига қойил қолди уддабурро йигит.

Чори Тўраев ўғиллари сўраб келган юз минг сўмни бериб юборди. Гўё улар «доля»ни бериб, 3,5 миллион кредит пули билан уйга қайтишадигандек умидвор. Бироқ, қарийб бир йил ўтибдики, ортидан ота-ўғил Бухорога қараб йўлга тушишди. Ахир, юз минг сўм оғзининг бир четидан чиқиб кетса ҳам кам пул эмас. Уни Тўраевлар оиласи пешона тери эвазига рўзғордан қисиб-қимтиб йиғишган-да! Шунинг учун...

Таниш манзил – Муҳаммад Иқбол кўчаси, 6/1-уйнинг 12-хонаси. Қўнғироқ тугмачаси босилди. Эшикни очган Улуғбек «мижоз»ларни кўриб энсаси қотди.

– Э..., э..., келинглар. Шу дейман, кредитни шамоли учириб олиб келдими-а?

Улуғбекнинг чеҳрасидаги сохта табассумни пайқамаган Чори Тўраевнинг юрагида яна кредит олишдан умидворлик учқуни «йилт» этгандек бўлди.

– Кўринишингиздан иш ҳал бўлганга ўхшайди, ука. Савил қолгур кредитни бироз кутишимиз керак.

– Тушунмадим.

– Яна 400 минг сўм келтирасиз. 3,5 эмас 4 миллион кредит олиб бераман.

– Ие, ҳазиллашаяпсизми? Бунча пулни қаердан оламан.

– Излаган имкон топади, акам. Кредит керак бўлса ҳаракатингизни қиласизда, энди.

Сувга тушган мушукдек шумшайиб уйга қайтган ота-ўғиллар кредитдан умидларини узишмади. Йиғиб-йиғиштириб 200 минг сўмни олиб, орадан бир кун ташлаб, яъни 2002 йилнинг 5 июнида яна «қайдасан, Бухоро», деб йўлга тушишди.

– Укажон, яхшилигингизни унутмаймиз. Топганим мана шу, – деди Чори Тўраев қўлида ўроғлик пулни узатаркан – зора шу пул билан ҳал бўлса, қўшиб қўйди у.

– Э... й..ў..қ, 200 юз минг сўм нима у, – қўл силтади Улуғбек. – 400 минг келтирмасангиз йўлингиз очиқ ака.

Айни пайтда туппа-тузук йигит нафс гирдобига тушиб шайтоннинг чилдирмасига ўйнай бошлаган эди. Ахир, пулни кўрганда ақл ҳам ўрнини нафсга бўшатиб қўя қолар экан. Улуғбекнинг ақл кўзини лаиннинг нафс деб аталмиш қўллари беркитиб қўйган эди. Унинг дарди – мўмай, текин пул. У қайси йўл билан топилаётганининг аҳамияти йўқ.

Бухоро шаҳар четроғида – электр тармоқлари корхонаси олдига машина келиб тўхтади. Унда тоғни урса талқон қилишга қодир, аммо, иродаси мўрт йигит фирибгарликдан тушган пулни санаб олмоқда. Афсус, афсус... Улуғбекнинг қувончи узоққа чўзилмади. Йигитлик қадрини нопок пулга алмаштирган фирибгар қонуннинг «тузоғи»га илинди.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтмай иложимиз йўқ. Ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятни барпо этишдек буюк мақсадлар сари катта йўлда дадил одимлаяпмиз. Шундай омон-омон даврда фуқароларимизнинг ҳуқуқий маърифатли бўлишлари муҳим аҳамият касб этишини яхши биламиз. Бироқ, ҳали ҳам фуқароларимиз кредит олиш учун қайси ташкилотга, кимга мурожаат қилишни билмаганидан ташвишланмай бўладими? Ўз ҳуқуқларини, қонун моҳиятини англамаганлари учун ҳам айрим фуқаролар Улуғбек сингари «корчалон»ларнинг қармоғига илиниб, сарсон-саргардон бўлишаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

**Завқиддин ЖЎРАЕВ,**
**Бухоро вилояти прокуратураси иқтисодий жиноят ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.**
**Моҳира ШАКАРОВА,**
**«Адолат»нинг жамоатчи мухбири.**

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, Р. С. ҚОСИМОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ, Н. НУРМАТОВ, Б. ТОШЕВ, Д. Ғ. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-53-14.
Котибият – 136-55-96.
Бухгалтерия – 136-55-64
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г– 01, Ҳажми–2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи– Илҳом СИДДИҚОВ | Саҳифаловчи – Бахтиёр ҚЎШОҚОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти–20.00.

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.

Босишга топширилди 21.00.